

11-01/53-son

12 iyun 2024 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши  
БАЁНИ

2024 йил 10 июнь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: **Н.Турсунов** - вилоят ҳокими

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, вилоят, шаҳар, туман сектор раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш** (олдинги аппарат йиғилишида берилган топшириқлар, [edo.ijro.uz](#) платформасидаги назоратдаги хужжатлар ижроси);

**2. Аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш** ва “ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га айлантириш бўйича маҳаллаларга бириктирилган масъуллар ва сектор раҳбарларининг ҳисоботи тўғрисида;

**3. Муқобил энергиядан фойдаланиш ва энергоресурсларни тежаш** бўйича берилган топшириқларнинг ижроси тўғрисида;

**4. Жорий йилнинг 5 март куни Давлат Раҳбари бошчилигида ўтказилган йиғилишда спорт соҳасида берилган топшириқлар ижроси ҳамда “Париж-2024” олимпиадасига тайёргарлик ишларининг бориши** тўғрисида;

**5. Ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш** ҳамда ғўза агротехникасини ўз вақтида ўтказиб, “ҳосилга ҳосил қўшиш” тадбирларини олиб борилиши бўйича сектор раҳбарларининг ҳисоботи тўғрисида.

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, Э.Камолов, Ж.Ходжаев, А.Тасбаев, Х.Пардаев, Ж.Муртозоев, У.Баҳромов, У.Адизов, В.Адизов, Н.Раҳманов, А.Файзиев, Б.Бобомуродов, А.Ўроқов, Д.Эргашев, Н.Турсунов)

Йиғилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда "edo.ijro.uz" электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди.

Хусусан, вилоят ҳокими ўринбосарларига туман (шаҳар) ҳокимликлари ва тегишли корхона (ташкилот)лар билан биргаликда, жорий йилнинг июнь ойида назоратда турган Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларини шу ойнинг 20-санасига қадар тўлиқ якунига етказиш чораларини кўриш вазифалари юклатилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2022 йил 21 мартда ўтказилган йиғилишда кўп квартирали уй-жойларга туташ ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш бўйича берилган топшириқ ижроси таъминланмаганлиги тегишли масъулларга кўрсатиб ўтилди ҳамда вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари Э.Авезовга ушбу топшириқ ижроси шу кунга қадар якунига етказилмаганлиги учун Кадастрлар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Д.Нишоновга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибга кўра интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича тақдимнома киритилиши белгилаб қўйилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари (Ходжаев)га Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Баҳромов) билан биргаликда ер майдони ажратилган ёшларга қишлоқ хўжалиги мини техникаси, уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия маблағларини ажратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб киритиши ҳамда жорий йилнинг 20 июнига қадар ижросини таъминлаб назоратдан чиқариш чораларини кўриши алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, "edo.ijro.uz" электрон тизими орқали юборилган топшириқлар вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (Ярлақабов), Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси (Атажанов), вилоят маданият бошқармаси (Ниёзов), вилоят солиқ бошқармаси (Назаров), вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Рашидов) томонидан 20-25 фоизгача, вилоят ўсимликлар карантин инспекцияси (Турсунов), "Худудгаз Навоий" газ таъминоти филиали (Гаффаров), вилоят маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (Ҳамроев), вилоят транспорт бошқармаси (Рахимов) томонидан 15-20 фоизгача, вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (Ҳайитова), вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (Баҳриддинов), Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (Тўхтаев), вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (Ниёзов), вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал назорати инспекцияси (Ботиров), "Худудий электр тармоқлари" АЖ Навоий филиали (Исломов), вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев) томонидан 10-15 фоизгача, Хатирчи (Адизов), Навбаҳор (Ўроқов) ва Қизилтепа (Бобомуродов)

тумани ҳоқимликлари томонидан 20-25 фоизгача, Кармана (Адизов), Конимех (Рўзиев) туманлари ва Ғозғон шаҳар (Базаров) ҳоқимликлари томонидан 15-20 фоизгача, Навоий (Эргашев) ва Зарафшон (Раҳманов) шаҳарлари ҳоқимликлари томонидан 10-15 фоизгача топшириқлар муддатидан кечиктириб бажарилганлиги кўрсатиб ўтилди ва вилоят ҳоқимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари **Э.Авезов**га “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали юборилган топшириқлар ижросини ўрганиш бўйича корхона (ташкилот) ва туман (шаҳар)лар кесимида график ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритиши ҳамда ушбу ўрганиш жараёнига вилоят прокуратурасидан масъулларни жалб қилиниши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, вилоят ҳоқимлигининг 3 июндаги “Ҳоқим соати” йиғилиши баёнидаги ижроси таъминланмаган топшириқлар вилоят ҳоқими ўринбосарларига алоҳида кўрсатиб ўтилди ҳамда ушбу топшириқлар ижроси таъминланмагунга қадар назоратдан ечилмаслиги бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда, жорий йилда 136,7 мингта иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш режаси 1 май ҳолатига йиллик режа Қизилтепа, Навбахор ҳамда Хатирчи туманларида ҳамда, комплекслар кесимида инвестиция ва қишлоқ хўжалиги комплексларида вилоят кўрсаткичидан паст эканлиги кўрсатиб ўтилди ҳамда тегишли масъулларга кўрсатиб ўтилган камчиликлардан тегишли хулосаларни чиқарган ҳолда, жорий йилнинг 1-ярим йиллик яқунлари бўйича белгиланган прогноз режалар бажарилишини тўлиқ таъминлаш бўйича огоҳлантирилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва “Ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га айлантириш бўйича маҳаллаларга бириктирилган масъуллар ҳамда сектор раҳбарлар томонидан олиб бораётган ишлари таҳлил қилиниб, шу кунга қадар ишлар етарлича ташкил этилмаганлиги тегишли масъулларга кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, Ўрмон хўжалиги агентлигининг Хатирчи тумани бошлиғи **У.Маманов** “Чиғатой” маҳалласига, туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи **Ш.Холбоев** “Учтепа” маҳалласига, Томди тумани Солиқ инспекцияси бошлиғи **Қ.Холмуминов** “Аяққудуқ” маҳалласига ҳамда Пенсия жамғармасининг Навоий шаҳар бўлими бошлиғи **О.Холмуродов** “Тинчлик” маҳалласига шу кунга қадар бормаганлиги ва ишларни ташкил этмаганлиги, Кадастр агентлигининг Навоий шаҳар бўлими бошлиғи **Ш.Жумаев** “Ўзбекистон” маҳалласига, вилоят Сув назорати инспекцияси бошлиғи **М.Воҳидов** Кармана тумани “Кумушкон” маҳалласига, АТ “Агро банк”нинг Қизилтепа филиали бошқарувчи ўринбосари **Д.Муродов** “Тождикон” маҳалласига, АТ “Халқ банки”нинг Қизилтепа филиали бошқарувчиси **Б.Ғиёсов** “Хусбиддин” маҳалласига, “Навоий агропилла” МЧЖ директори **Ж.Ражанов** Хатирчи тумани “Бинокор” маҳалласига, Савдо

-саноат палатасининг вилоят бошқармаси бошлиғи **М.Омонбоева** Хатирчи тумани “Чинобод” маҳалласига, Хатирчи тумани Ғазначилик бўлини бошлиғи **А.Ширинов** “Истиқлол” маҳалласига, Хатирчи тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари **И.Мухаммадиев** “Наврўз” маҳалласига, Кадастрлар палатасининг Хатирчи филиали бошлиғи **А.Шодиев** “Қорача” маҳалласига, Кадастр агентлигининг туман бўлини бошлиғи **А.Садиев** “Мирзо Улуғбек” маҳалласига, Хатирчи тумани ҳокими ўринбосари **Ж.Рашидов** “Сангжуман” маҳалласига шу кунга қадар бирорта ҳам ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашмаганлиги ва белгиланган топшириқлар ижросини ташкил қилмаганлиги танқид қилинди ва бу бўйича вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**)га **бир кун муддатда** юқорида номлари кўрсатиб ўтилган барча масъуллардан **“тушунтириш хатлари”**ни олиб, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги, ижро интизомига риоя этилмаганлиги ва ишда йўл қўйган камчиликлари учун уларга нисбатан ўрнатилган тартибда интизомий чора кўриш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириб, натижаси бўйича ахборот киритиш вазифалари юклатилди.

Шу билан бирга, Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Пардаев**)га АТБ “Микрокредитбанк” Навоий филиали (**Акрамов**) билан Кармана тумани “Янгиобод” маҳалласида яшовчи фуқаро М.Абдуллаевани “Suniy Agro Land” фермер хўжалигига ишга жойлаштирилганлиги бўйича ёлғон маълумот киритганлиги учун Кармана туман Микрокредитбанк бошқарувчиси ўринбосари **Ш.Азамов**га нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаб, натижаси бўйича ахборот киритиш бўйича топшириқлар берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хориждан қайтган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш бўйича Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ва Хатирчи туманида ҳамда муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Нурота, Кармана ва Хатирчи туманларида олиб борилаётган ишлар қониқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш кун тартибида ҳудудларда қуёш панелларини ўрнатиш бўйича белгиланган режа прогнозларнинг ижросини таъминлаш юзасидан барча туман (шаҳар) ҳокимлари ва сектор раҳбарлари томонидан олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу соҳа туман (шаҳар) масъуллари томонидан ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, ушбу топшириққа жиддий ёндашилмаётганлиги танқид қилинди.

Шундан келиб чиқиб, ҳудудларда тадбиркорлар ҳисобидан, ижтимоий соҳа объектларида ҳамда аҳоли томонидан қуёш панелларини ўрнатиш режа прогнозларининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида кунлик вилоят ҳокимлигига киритиб бориш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, йиғилишда спорт соҳасида амалга оширилган ишлар натижадорлиги муҳокама қилинди.

Хусусан, вилоятдаги спорт федерациялари раисларига жорий йилнинг 25 июнига қадар, спортчи ёшлар ва мураббийлар билан учрашиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш бўйича вазифалар юклатилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ходжаев)га вилоят спорт бошқармаси (Муртозаев) билан биргаликда вилоятдаги спорт объектларининг ҳолатини ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳини шакллантириб, бир ҳафта муддатда ўрганиш натижалари бўйича ахборот киритиш топшириғи берилди.

Вилоят ҳокими томонидан маҳаллалардаги спорт иншоотлари, мактаб спорт заллари доимий ёшлар билан банд бўлиши ҳамда ундан унумли фойдаланиш мақсадида доимий очиқ туришини таъминлаш бўйича масъулларга кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, 2023 йил давомида спорт тадбирларидан вужудга келган қарздорликлар бугунги кунга қадар Навоий, Зарафшон шаҳарлари ҳамда Кармана ва Қизилтепа туманлари ҳокимликлари томонидан қоплаб берилмаганлиги алоҳида танқид қилиниб, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Сулаймоновга вилоят иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Бобоқулов) ҳамда тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда вужудга келган қарздорликларни 2-чорак якуни бўйича туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларининг даромадларини режадан орттирилиб бажарилган қисмидан қоплаб бериш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда, 2024 йил ҳосили учун парвариш қилинган ғалла майдонларида ўрим-йиғим ишларининг бориши тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди.

Шу билан бирга, ғаллани нес-нобуд қилмасдан режа-графиклар ишлаб чиқилган бўлишига қарамасдан, бугунги кунда Навбаҳор ва Хатирчи туманларида ғалла ўрим ишлари сабабсиз кечиктирилаётганлиги танқид қилинди.

Бундан ташқари, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий қишлоқ хўжалиги экинларини экиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилиб, тегишли масъулларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Туманларда 2024 йил пахта ҳосили учун чигит экилган майдонлардаги ниҳолларни пешма-пеш шарбат усулида суғориш ишларига ҳам тўхталиб ўтилиб, амалга оширилаётган ишлар қониқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шундан келиб чиқиб, туманларда ривожланишдан орқада қолган ғўза майдонларни аниқлаш, ушбу майдонларда талаб этиладиган агротехник тадбирларни амалга ошириб, вилоят ҳокимлигига маълумот киритиш бўйича топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, чигит экилган майдонларнинг бир гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш ишларини олиб бориш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда туманлардаги мавжуд деҳқон хўжалиklarини тадбиркорлик субъектлари сифатида деҳқон хўжалиги билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-373-сонли, ПҚ-20-сонли, ПҚ-153-сонли қарорлари ҳамда ПФ-15-сонли Фармоннинг мазмун ва моҳияти ҳамда белгиланган вазифалар барча мутасадди раҳбарларга етказилган бўлсада, мазкур Фармон ижроси бўйича туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда масалага алоқадор корхона (ташкилот)лар томонидан етарли ишлар ташкил этилмаганлиги танқид қилинди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Камолов, Гаффоров, Ҳикматов, Ходжаев, Мирзаев**) туман (шаҳар) ҳокимликлари ва тегишли корхона (ташкилот)лар билан биргаликда, жорий йилнинг июнь ойида назоратда турган Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларини шу ойнинг 20-санасига қадар тўлиқ якунига етказиш чораларини кўрсин.

2. Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (**Нишонов**), вилоят солиқ бошқармаси (**Назаров**), вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси (**Ниёзов**)га Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2022 йил 21 мартда ўтказилган йиғилишда (22-сонли йиғилиш баёни 8-банди)да кўп квартирали уй-жойларга туташ ер участкаларининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда, кўп квартирали уй-жойларга туташ ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш бўйича берилган топшириқлар ижроси юзасидан ишлар бошланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Кадастр агентлиги билан етарли даражада ишлар ташкил қилинмаганлиги, Давлат Раҳбари бошчилигида 2022 йил 21 мартда ўтказилган 22-сонли йиғилиш баёнида белгиланган муддат тугаб бораётган бўлишига қарамасдан ишлар бошланмаганлиги, ижро интизомига риоя қилинмаганлиги ва ишда йўл қўйган камчиликлари учун Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи **Д.Нишонов**га нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда интизомий жазо чорасини қўллаш бўйича Кадастр агентлигига тақдимнома киритилсин. Назорати **Э.Авезов**га.

3. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**) Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Баҳромов**) билан биргаликда **уч кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2024 йил 23 февраль куни ўтказилган йиғилиш (*17-сонли баён 8-банди*)да ер майдони ажратилган ёшларга қишлоқ хўжалиги мини техникаси, уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун “Ёшлар дафтари” жамғармалари ҳисобидан субсидия маблағларини ажратиш бўйича аниқ ҳисоб-китобларга асосланган таклифларни вилоят ҳокимиغا ҳамда мазкур топшириқ ижросини **жорий йилнинг 20 июнига қадар** таъминлаб назоратдан чиқариш чораларини кўрсин.

4. “**Edo.iyro.uz**” электрон тизими орқали юборилган топшириқлар:

вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (**Ярлақабов**), Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармаси (**Атажанов**), вилоят маданият бошқармаси (**Ниёзов**), вилоят солиқ бошқармаси (**Назаров**), вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Рашидов**) томонидан 20-25 фоизгача,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг вилоят бошқармаси (**Турсунов**), “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали (**Гаффаров**), вилоят маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси (**Ҳамроев**), вилоят транспорт бошқармаси (**Рахимов**) томонидан 15-20 фоизгача,

вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Баҳриддинов**), Кадастрлар палатасининг вилоят бошқармаси (**Тўхтаев**), вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси (**Ниёзов**), вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат инспекцияси (**Ботиров**), “Худудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Исломов**), вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) томонидан 10-15 фоизгача,

Хатирчи (**Адизов**), Навбаҳор (**Ўроқов**) ва Қизилтепа (**Бобомуродов**) тумани ҳокимликлари томонидан 20-25 фоизгача,

Кармана (**Адизов**), Конимех (**Рўзиев**) туманлари ва Ғозғон шаҳар (**Базаров**) ҳокимликлари томонидан 15-20 фоизгача,

Навоий (**Эргашев**) ва Зарафшон (**Раҳманов**) шаҳарлари ҳокимликлари томонидан 10-15 фоизгача топшириқлар муддатидан кечиктириб бажарилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

5. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) **бир кун муддатда** прокуратура ва тегишли масъуллардан иборат Ишчи гуруҳи тузиб, туман, шаҳар ҳокимликлари ва вилоят ташкилотларида ижро интизомига риоя этилиши, “edo.iyro.uz” электрон тизими орқали ижро учун юборилган ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тарзда бажарилиши, кечикиб бажарилган топшириқларни

сабабларини ўрганиш ва зарурий ҳолатларда амалий ёрдам бериш ишларини амалга оширилишини ташкиллаштирсин.

Ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш натижалари вилоят ҳокимлигининг навбатдаги аппарат йиғилиши муҳокамасига киритилсин.

**6.** Вилоят ҳокимлигининг 3 июндаги (05.06.2024 й, 11-01/50-сон) “Ҳоким соати” йиғилиши баёнидаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагилар:

**бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Камолов, Ғаффоров, Ҳикматов, Ходжаев, Мирзаев**) вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (**Раубаева**) билан ҳамкорликда ўз йўналишида брифинг бериб, ҳокимликнинг ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифаларида ёритилишини;

**бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) вилоят ҳокими ўринбосарлари ва Навбаҳор тумани ҳокими (**Ўроқов**) билан биргаликда Нурота туманига олиб борувчи Навбаҳор тумани “Мирзо Улуғбек” МФЙ ҳудудида аҳоли ва туристларнинг дам олишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида, кичик туристик уйлар (беседка, кемпинг) ташкил этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини якунига етказилишини таъминласин.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**)га ушбу топшириқлар ижроси таъминланмагунга қадар назоратдан ечилмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

**7.** Жорий йилда 136,7 мингта иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш режаси 1 май ҳолатига йиллик режа 13,5 фоизга, шундан Қизилтепа тумани 9,6 фоиз, Навбаҳор тумани 9,9 фоизга ҳамда Хатирчи тумани 14,1 фоизга бажарганлиги, шунингдек Инвестиция ҳамда қишлоқ хўжалиги комплексларида 6 фоиздан бажарилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Ғаффоров, Ҳикматов**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Ўроқов**) ва Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимлари кўрсатиб ўтилган камчиликлардан тегишли хулосаларни чиқарган ҳолда, жорий йилнинг 1-ярим йиллик яқунлари бўйича белгиланган прогноз режалар бажарилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

**8.** Аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ва “Ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га айлантириш бўйича маҳаллаларга бириктирилган масъуллар ҳамда сектор раҳбарлари томонидан ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Жумладан, Ўрмон хўжалиги агентлигининг Хатирчи тумани бошлиғи **У.Маманов** “Чиғатой” маҳалласига, туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи **Ш.Холбоев** “Учтепа” маҳалласига, Томди тумани солиқ инспекцияси бошлиғи **Қ.Холмунинов** “Аяққудуқ” маҳалласига ҳамда Пенсия жамғармасининг Навоий шаҳар бўлими бошлиғи **О.Холмуродов**



“Тинчлик” маҳалласига шу кунга қадар бормаганлиги ва ишларни ташкил этмаганлиги;

Кадастр агентлигининг Навоий шаҳар бўлими бошлиғи **Ш.Жумаев** “Ўзбекистон” маҳалласига, вилоят сув назорати инспекцияси бошлиғи **М.Воҳидов** Кармана тумани “Кумушкон” маҳалласига, АТ “Агро банк”нинг Қизилтепа филиали бошқарувчи ўринбосари **Д.Муродов** “Тожикон” маҳалласига, АТ “Халқ банки”нинг Қизилтепа филиали бошқарувчиси **Б.Ғиёсов** “Хусбиддин” маҳалласига, “Навоий агропилла” МЧЖ директори **Ж.Ражанов** Хатирчи тумани “Бинокор” маҳалласига, Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси бошлиғи **М.Омонбоева** Хатирчи тумани “Чинобод” маҳалласига, Хатирчи тумани ғазначилик бўлинмаси бошлиғи **А.Ширинов** “Истиқлол” маҳалласига, Хатирчи тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари **И.Мухаммадиев** “Наврўз” маҳалласига, Кадастрлар палатасининг Хатирчи филиали бошлиғи **А.Шодиев** “Қорача” маҳалласига, Кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи **А.Садиев** “Мирзо Улуғбек” маҳалласига, Хатирчи тумани ҳокими ўринбосари **Ж.Рашидов** “Сангижуман” маҳалласига шу кунга қадар бирорта ҳам ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашмаганлиги ва белгиланган топшириқлар ижросини ташкил қилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда** юқорида номлари кўрсатиб ўтилган барча масъуллардан **“тушунтириш хатлари”**ни олиб, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги, ижро интизомига риоя этилмаганлиги ва ишда йўл қўйган камчиликлари учун уларга нисбатан ўрнатилган тартибда интизомий чора кўриш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириб, натижаси бўйича ахборот киритсин.

**9.** Кармана тумани ҳокими **В.Адилов** 186 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаганлиги бўйича берган ҳисоботи тегишли масъуллар томонидан ўрганилганда ўз исботини топмаганлиги, фуқаронинг ишга жойлаштирилганлиги бўйича асословчи ҳужжатларсиз қўшиб ёзилганлиги кўрсатиб ўтилсин ҳамда ёлғон маълумот берганлиги учун **қаттиқ огоҳлантирилсин.**

**10.** Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**) аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ва “Ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га айлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ёлғон маълумот берган ва қўшиб ёзиш ҳолатларига йўл қўйган масъулларни ОАВда танқидий ёритилишини таъминласин.

**11.** Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Пардаев**) АТБ “Микрокредитбанк” Навоий филиали (**Акрамов**) билан биргаликда **бир кун муддатда** Кармана тумани “Янгиобод” маҳалласида яшовчи фуқаро М.Абдуллаевани “Suniy Agro Land” фермер хўжалигига ишга

жойлаштирилганлиги бўйича ёлгон маълумот киритганлиги ва ҳисоботларда қўшиб ёзилганлиги учун Кармана туман "Микрокредитбанк" бошқарувчиси ўринбосари **Ш.Азамов**га нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибга кўра интизомий жазо чораларини қўллаб, натижаси бўйича ахборот киритсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

**12.** Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хориждан қайтган меҳнат мигрантларига ёрдамлар кўрсатиб, уларнинг бандлигини таъминлаш ишлари Зарафшон шаҳри (20 фоиз), Хатирчи тумани (25 фоиз) ва Навоий шаҳрида (25,4 фоиз) ҳамда муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатилиб, яшаш манзилига қайтиб келган ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Нурота тумани (8 фоиз), Кармана тумани (10 фоиз) ва Хатирчи туманларида (11 фоиз) ишлар қониқарсиз ташкил этилганлиги **кўрсатиб ўтилсин.**

Туман (шаҳар) ҳокимларига маҳаллаларга бириктирилган вакиллар ҳамда “маҳалла еттилиги” билан биргаликда ишсиз, хориждан қайтган, битирувчилар, ҳарбий хизматдан қайтган ишсиз фуқароларнинг рўйхатини шакллантириб, улар билан учрашиб, уларнинг касбий йўналишларини аниқлаб, шу соҳада мавжуд доимий бўш иш ўринлари бўйича ҳамкор корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштириш чораларини кўриб борсин.

Бандлик, миграция, ёшлар ва ҳарбий хизматдан бўшаганлар бандлигини таъминлаш масаласи вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилишида муҳокама этилиши ва масъулларнинг ҳисоботи эшитилиши **белгилаб қўйилсин.**

**13.** Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) камбағалликни қисқартириш ва ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича **ҳар бир маҳалла кесимида** сектор раҳбарлари ва масъулларнинг ҳисоботини эшитиб, ишларни тизимли равишда ташкиллаштирасин.

Амалга оширилаётган ишлар ва кўрилаётган чоралар тўғрисида вилоят ҳокимига **ҳар куни** ҳисобот бериб борсин.

**14.** Ҳудудларда 2024 йилда қуёш панелларини ўрнатиш бўйича белгиланган режа прогнозларнинг ижросини таъминлаш юзасидан барча туман (шаҳар) ҳокимлари ва сектор раҳбарлари томонидан олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

**15.** “Ўзэнергоинспекция” вилоят бошқармаси (**Шакиров**), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Исломов**) билан биргаликда ҳудудларда тадбиркорлар ҳисобидан, ижтимоий соҳа объектларида ҳамда аҳоли томонидан қуёш панелларини ўрнатиш режа прогнозларининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни вилоят ҳокимлигига **кунлик киритиб борсин.**

**16.** Вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (**Ботиров**):

ҳудудлардаги кўп қаватли уй-жойларда ўрнатилган қуёш панелларининг бугунги кундаги ҳолатини “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали билан бирга кўриб чиқсин;

янгидан қурилаётган кўп қаватли уй-жойларда лойиҳага кўра, қуёш панеллари ўрнатилгандан сўнг фойдаланишга қабул қилиш тизимини йўлга қўйсин.

**17.** “Ўзэнергоинспекция” вилоят бошқармаси (**Шакиров**), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Исломов**), “Ҳудудгаз Навоий” газ таъминоти филиали (**Гаффоров**) ҳамда сектор раҳбарлари ва маҳалла еттилиги билан биргаликда энерго ресурсларидан ноқонуний (*ўғрилиқ йўли билан*) фойдаланиш ҳолатлари бўйича доимий равишда ўрганишлар ўтказиб борсин.

Аниқланган ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълумот киритиб бориши таъминлансин.

**18. Туман (шаҳар) ҳокимлари:**

ташкил этилган қайта тикланувчи энергия манбаларини мониторинг қилиш штабларининг фаолияти танқидий кўриб чиқиш;

сектор раҳбарлари билан биргаликда вилоят ҳокимлиги томонидан белгиланган режа-топшириққа кўра, “аёллар ва ёшлар дафтарлари”да турувчи хонадонларни ва ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларга қуёш панеллари ва қуёш сув иситиш коллекторларини ўрнатиш;

масъул ташкилотлар билан биргаликда ҳудудлардаги ижтимоий соҳа ва давлат идоралари объектларида, тадбиркорлик субъектларида, аҳоли хонадонларида қуёш панелларини ўрнатиш режа топшириқларини бажариш чораларини кўрсин.

**19.** Ҳар бир сектор раҳбарлари ўзларига белгилаб берилган режа-топшириқларни ижросини ўз вақтида таъминлаш чораларини кўриш ҳамда тадбиркорлик субъектлари биноларига қуёш панеллари ва сув иситкичларини ўрнатиш юзасидан тарғибот ишларини олиб борсин.

**20.** Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**), вилоят спорт бошқармаси (**Муртозоев**):

**бир кун муддатда** вилоятдаги спорт объектларининг ҳолатини ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳини шакллантириб, **бир ҳафта муддатда** ўрганиш натижалари бўйича ахборот киритсин;

**икки кун муддатда** вилоят ҳокимининг ҳар бир спорт тури фаолияти билан танишиши бўйича график ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

**21.** Вилоятдаги спорт федерациялари раислари **жорий йилнинг 25 июнига қадар** спортчи ёшлар ва мураббийлар билан учрашиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрсин ҳамда **жорий йил июнь ойининг якунига қадар** спорт федерациялари раислари томонидан амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга**.

**22.** Вилоят спорт бошқармаси (**Муртозоев**) вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) билан ҳамкорликда маҳаллалардаги спорт иншоотлари, мактаб спорт заллари доимий ёшлар билан банд бўлиши ҳамда ундан унумли фойдаланиш мақсадида доимий очиқ туришини таъминласин.

**23.** Навоий (**Эргашев**), Зарафшон (**Раҳманов**) шаҳарлари ҳамда Кармана (**Адизов**), Қизилтепа (**Бобомуродов**) туманлари ҳокимлари 2023 йил давомида спорт тадбирларидан вужудга келган 1,3 млрд.сўм қарздорликлар бугунги кунга қадар қоплаб берилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) вилоят иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Бобоқулов**), Навоий шаҳар (**Эргашев**), Зарафшон шаҳар (**Раҳманов**) ҳамда Кармана тумани (**Адизов**), Қизилтепа тумани (**Бобомуродов**) ҳокимлари билан биргаликда вужудга келган қарздорликларни 2-чорак якуни бўйича туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларининг даромадларини режадан орттирилиб бажарилган қисмидан қоплаб бериш чораларини кўрсин.

**24.** Туманлар ҳокимлари ғаллачилик кластерлари билан биргаликда **бир кун муддатда** фермер хўжаликлар кесимида давлат ресурсига, вақтинча сақлашга ва уруғлик дон ҳамда фермер хўжалиklarининг кластер корхоналаридан олган маҳсулотларини тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб, дон кўринишида қабул қилиб олиш учун реестрни (китобча) вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

**25.** Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Убайдуллаев**) ғалла ўрим мавсумида комбайнларнинг бетўхтов ишлашини назорат қилиб кунлик маълумотларни вилоят ҳокимлигига киритиб борсин.

**26.** Вилоят ИИБ ЙҚХБ (**Юнусметов**), вилоят транспорт бошқармаси билан биргаликда ғалла ўрим мавсумида, ғалла ўрим комбайнларини бетўхтов ишлашини таъминлаш, дон ташишда тўхталишлар бўлишининг олдини олиш мақсадида юк ташиш автомобиллари билан таъминлаб, ҳар бир тумандаги ҳудудларга масъуллар бириктирсин.

**27.** Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Рашидов**) туман ҳокимлари ва сектор раҳбарлари билан бирга туманларда 34 минг гектар ғалладан бўшаган майдонларда такрорий қишлоқ хўжалиги экинларини сифатли экиш ишларини белгиланган муддатда яқунлашга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Бунда, такрорий экинларни экиш учун талаб этиладиган уруғлик ва кўчат, ЁММ ҳамда минерал ўғит маблағларини ҳисоб-китоб қилиб, агротехник тадбирларни амалга ошириш мақсадида талаб этиладиган маблағларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратсин.

28. Туман ҳоқимларига 2024 йил пахта ҳосили учун чигит экилган майдонлардаги ниҳолларни пешма-пеш шарбат усулида суғориш ишлари қониқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

29. Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Рашидов**):

**уч кун муддатда** туманларда ривожланишдан орқада қолган ғўза майдонларни аниқласин;

**бир ҳафта муддатда** ривожланишдан орқада қолган ғўза майдонларида талаб этиладиган агротехник тадбирларни амалга ошириб вилоят ҳоқимлигига маълумот киритсин.

30. Қуйи Зарафшон ирригация тизимлар ҳавза бошқармаси (**Убайдуллаев**) туман ҳоқимлари ва сектор раҳбарлари билан биргаликда:

**бир ҳафта муддатда** туманларда азотли минерал ўғитлар билан озиқлантирилган ғўза майдонларни пешма-пеш шарбат усулида суғориш ишларини ташкил қилсин.

фермер хўжаликларига сувнинг бетўхтов боришини таъминлаш мақсадида дислокациялар ишлаб чиқиб, малакали ходимларни бириктирган ҳолда суғориш ишларини белгиланган муддатларда якунласин.

31. Вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низамов**) туман ҳоқимликлари, сектор раҳбарлари ва фермер хўжаликлари билан биргаликда чигит экилган майдонларнинг бир гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш ишларини олиб борсин ва **кунлик маълумотларни** вилоят ҳоқимлигига тақдим этсин.

32. Вилоят ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси (**Турсунов**) туман ҳоқимлари ва сектор раҳбарлари билан биргаликда **уч кун муддатда** 2024 йил ҳосили учун парвариш қилинаётган пахта майдонларини озиқлантириш учун талаб этиладиган азотли минерал ўғитлар захирасини тўлиқ яратиб, вилоят ҳоқимлигига ахборот берсин.

33. Туман ҳоқимларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда масалага алоқадор корхона (ташкилот)лар раҳбарлари **ўн кун муддатда** туманлардаги деҳқон хўжалиги ташкил этиш мақсадида ажратилган ер майдонларини тадбиркорлик субъектлари сифатида деҳқон хўжалиги сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаб, натижаси тўғрисида вилоят ҳоқимлигига ахборот киритсин.

Белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминламаган туман ҳоқимларининг **биринчи ўринбосарларига нисбатан белгиланган тартибда чора кўрилиши** белгилаб қўйилсин.

34. Вилоят солиқ бошқармаси (**Назаров**) “Электрон солиқ хизматлари” порталидаги тадбиркорлик субъектларининг рўйхатга олинганлиги бўйича кунлик маълумотларни вилоят ҳоқимлигига киритиб борсин.

35. Вилоят ҳоқими ўринбосарлари, вилоят, шаҳар, туман сектор раҳбарлари ҳамда ташкилот раҳбарларига **Давлат Раҳбари бошчилигида ўтказиладиган йиғилишлар (видеоселекторлар)да:**

ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига **сўзсиз риоя қилиш**;  
йиғилишларга телефон, планшет, смарт соатлар ва ҳар хил эшитиш  
мосламаларини **киритмаслик** ва **ахборот хавфсизлигини таъминлаш**;  
кийиниш, ўзини тутиш, ухлаб қолмаслик, берилаётган топшириқларга  
**эътиборли бўлиш**;

ижро ва меҳнат интизомига **қатъий риоя қилиш**;

Давлат Раҳбари томонидан берилган топшириқларни диққат билан ёзиб  
олиб, **ижросини ўз вақтида ташкиллаштириш** вазифалари топширилади.

Ушбу вазифаларга беътибор бўлган ва амал қилмаган барча  
даражадаги раҳбар ва ходимларга қонунчиликда белгиланган тартибда  
қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида **расман огоҳлантирилсин**.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) вилоят ва  
ҳудудий студияларда тартиб-интизом ўрнатилиши, чақирилганларни  
йиғилиш бошланишидан олдин студиялардан тўлиқ иштирок этиши ҳамда  
юқоридаги вазифаларга риоя этилиши устидан **қатъий назорат ўрнатсин**.

**36.** Вилоят ҳокими ўринбосари (**Камолов**) вилоят фавқулодда  
вазиятлар бошқармаси (**Абраматов**) билан биргаликда **уч кун муддатда**  
аҳоли ва ҳудудларни тошқин сувлари ва сел оқимлари билан боғлиқ  
фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича вилоят ҳокими-фуқаро  
муҳофазаси бошлиғининг буйруғини тайёрлаб, киритсин.

**37.** Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Гаффоров,  
Камолов, Ҳикматов, Мирзаев, Ходжаев, Мамадиярова**), **шаҳар ва туман  
ҳокимлари** жорий йилнинг 1-ярим йиллик яқунларида белгиланган прогноз-  
топшириқлар бўйича ҳар бир кўрсаткич билан индивидуал шуғулланиб,  
ижросини таъминлаш юзасидан барча зарурий чораларни кўрсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида **бир ҳафта муддатда** вилоят  
ҳокимига ҳисобот берилсин.

**38.** Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда  
қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**),  
Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) ва Ижро интизоми назорати бўлими  
(**Намозов**) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф.Эшбоев